



## XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94, (76) 221-74-81

2021 йил «5» август

VI-33-57-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

**Вилоят Ички ишлар идораларининг 2021 йилнинг 6 ойи давомида, “маҳаллабай” ва “фуқаробай” ишлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш натижалари ҳамда жамоат хавфсизлигини мустаҳкамлаш борасида келгусидаги истиқболли вазифалар муҳокамаси тўғрисида**

Ўтган давр мобайнида, вилоятда “маҳаллабай” ва “фуқаробай” ишлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш натижалари ҳамда жамоат хавфсизлигини мустаҳкамлаш борасида туб ислохотлар амалга оширилиб, ушбу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Вилоятда “маҳаллабай” ва “фуқаробай” ишлаш, жиноятларнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш борасида ички ишлар, давлат ва нодавлат идоралари томонидан **муайян профилактик чора-тадбирлар амалга оширилган.**

2021 йилнинг 6 ойи мобайнида вилоят ҳудудида содир этилган жиноятлар **950 тага (974/1924) ёки 97,5 фоизга**, жиноят қидирув соҳасидаги жиноятлар сони эса **622 тага (582/1204) ёки 106,9 фоизга** ошган.

Вилоят ҳудудида **100 минг** аҳолига нисбатан ўртача **71,8 тадан (17,6 та)** жиноят тўғри келиб, вилоятимиз кўрсаткичи **Республика миқёсида ҳисобласак** ижобий ўринда турибди.

**Бу кўрсаткич Республикада – 132 та.**

Жиноятларнинг 1203 таси (**62,5 фоизи**) олди олиниши мумкин бўлган 721 таси (**37,4 фоизи**) **аниқланган**, 145 таси (**7,5 фоизи**) **эҳтиётсизлик оқибатида**, 1110 таси (**57,6 фоизи**) 2021 йилда содир этилган ва 814 таси (**42,4 фоизи**) **аввалги йилларда содир этилиб, 2021 йилда ҳисобга қўйилган жиноятларни ташкил этади.**

Жорий йилнинг 6 ойида ички ишлар идоралари ходимлари ташаббуси билан 721 та (**умумий жиноятнинг 37%**) жиноят аниқланиб, жазо муқаррарлиги принципи таъминланган.

Бугунги кунда, бутун дунё бўйича қанчадан-қанча одамларнинг, айниқса, ёшларнинг ҳаётига зомин бўлаётган гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний сақлаш, тайёрлаш ва сотиш билан боғлиқ ҳолатлар **64.7 фоизга (51/84)**, давлат мулкани талон-

тарож қилиш **149.1 фоизга** (55/137), одам савдоси **100 фоизга** (2/4), сохта тадбиркорлик 300 фоизга (1/4), валюта операцияси қоидаларини бузиш **25 фоизга** (12/15), порахўрлик **68,8 фоизга** (48/81), қалбаки пул ва қимматли қоғоз яшаш **500 фоизга** (1/6) кўп аниқланган.

Бироқ, бу борада йўл қўйилган айрим хато, камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар ва тўлиқ фойдаланилмаган имкониятлар айрим йўналишларда жиноятларнинг ошишига сабаб бўлмоқда.

Умумий жиноятлар Бандихонда (14/46) 32 тага ёки 228,6 фоизга, Жарқўрғонда (77/168) 91 тага ёки 118,2 фоизга, Узунда (40/73) 33 тага ёки 82,5 фоизга, Қизирикда (27/53) 26 тага ёки 96,3 фоизга, Термизда (76/174) 98 тага ёки 128,9 фоизга, Термиз шаҳрида (162/339) 177 тага ёки 109,3 фоизга, Деновда (173/301) 128 тага ёки 74,0 фоизга, Бойсунда (30/82) 52 тага ёки 173,3 фоизга, Шерободда (55/111) 56 тага ёки 101,8 фоизга, Қумқўрғонда (49/100) 51 тага ёки 104,1 фоизга, Музработда (42/70) 28 тага ёки 66,7 фоизга, Ангорда (47/87) 40 тага ёки 85,1 фоизга, Олтинсойда (47/86) 39 тага ёки 83,0 фоизга, Сариосиёда (61/107) 46 тага ёки 75,4 фоизга, Шўрчида (74/127) 53 тага ёки 71,6 фоизга ошган.

**Қотиллик жинояти** Ангорда (1/0), Деновда (4/3) камайган бўлса-да, бироқ Музработда (0/1), Бойсунда (0/1), Жарқўрғонда (0/1), Шўрчида (0/1), Сариосиёда (0/1) ошганлиги ҳисобига вилоятда 37,5 фоизга (8/11) **ошган**.

**Оғир тан жароҳати етказиш жинояти** Термизда (2/0), Музработда (2/0), Бойсунда (2/0), Олтинсойда (1/0), Узунда (3/1) ва Бандихонда (1/0) камайган бўлса-да, Термиз шаҳрида (0/4), Ангорда (0/1), Шерободда (1/3), Жарқўрғонда (2/4), Шўрчида (1/3), Деновда (2/4) ва Сариосиёда (0/1) ошганлиги ҳисобига вилоятда 23,5 фоизга (17/21) **ошган**.

**Безорилик жинояти** Сариосиёда (4/2) ва Қизирикда (2/0) камайган, бўлса-да, Термиз шаҳрида (5/14), Термизда (0/1), Ангорда (4/7), Музработда (0/3), Шерободда (1/3), Бойсунда (1/2), Жарқўрғонда (4/12), Шўрчида (3/11), Деновда (7/23), Қумқўрғонда (1/6), Олтинсойда (2/4) ва Узунда (3/7) ошганлиги ҳисобига вилоятда 156,8 фоизга (37/95) **ошган**.

**Ўлим билан боғлиқ йўл-транспорт ходисалари** Термизда (3/2), Музработда (3/1), Шўрчида (8/7), Сариосиёда (4/3), Қизирикда (1/0), Олтинсойда (5/2) ва Узунда (6/4) камайган, Ангорда (4/4) ва Жарқўрғонда (3/3) тенглашган бўлса-да, Термиз шаҳрида (2/3), Шерободда (0/6), Бойсунда (2/4), Деновда (7/8), Қумқўрғонда (4/6) ва Бандихонда (0/3) ошганлиги ҳисобига вилоятда 7,7 фоизга (52/56) **ошган**.

Президентимизнинг бевосита ташаббуслари билан идораларнинг иш фаолияти республика ёки вилоят даражасида эмас, балким “**махаллабай**” ва “**фуқаробай**” тартибда йўлга қўйилди.

Энг асосийси, ушбу тизим натижасида 2021 йилнинг 6 ойида вилоятдаги 721 та

махаллаларнинг 67 фоизида (483 та) биронта ҳам жиноят содир этилмади.

Умумий жиноятлардан 27 та жиноят фош этилмасдан қолган, шунингдек, жиноят содир этиб, қидирув эълон қилинган 462 нафар шахсдан 353 нафари ушланмаган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши **қарор қилади:**

1. Вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлиғи А.Исмоиловнинг ички ишлар идораларининг 2021 йилнинг 6 ойи давомида **“махаллабай”** ва **“фуқаробай”** ишлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш натижалари бўйича маърузаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Жиноятчиликка қарши курашишда - жиноятнинг асл сабабларини бартараф этиш орқали фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинсин, **“Хавфсиз хонадон”** ва **“Хавфсиз ҳовли”** тизими асосида ишлар ташкил этилсин ва тегишли Кенгаш йиғилишлари муҳокама қилиб борилсин.

3. Ҳар бир оила ва хонадондаги муҳитни, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар содир этилишига таъсир этувчи ижтимоий инфратузилма ва бошқа муаммоларни ўрганиш ҳамда бартараф этиш бўйича **“Хавфсиз хонадон”** ва **“Хавфсиз ҳовли”** тизими асосида чора-тадбирлар йўлга қўйилсин.

4. Сурхондарё вилоятида **“махаллабай”** ва **“фуқаробай”** ишлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида ички ишлар органлари ҳамда масъул идора ва муассасалар томонидан хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги кўрсатиб ўтилсин ҳамда тегишли масъулларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда чоралар кўрилсин.

5. Бандихон тумани Ички ишлар бўлими бошлиғи А.Бердиназаров, Бойсун тумани Ички ишлар бўлими бошлиғи Д.Бобоев ва Термиз тумани Ички ишлар бўлими бошлиғи М.Амонтураевнинг жиноятларга қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги фаолияти **“талаб даражасида эмас”** деб топилсин.

6. Келгусида жиноятчиликни жиловлашда асосий эътиборни айнан **ижтимоий-маиший муаммолари** мавжуд бўлган шахслар билан **“махаллабай”** ва **“фуқаробай”** ишлаш услубида профилактик чора-тадбирлар кучайтирилсин.

7. Шаҳар ва туманлар ҳокимлари ҳар ойда маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканига раҳбарлик қилаётган профилактика (*катта*) инспектори билан шахсан учрашиб, ҳудудда жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида аниқланган муаммоли масалаларни ҳал этиш чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2021 йил 1-2 июнь кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган 30-сонли йиғилиш баёнининг 157-бандида кўрсатилган топшириқ асосида Термиз шаҳрининг **“Тупроққўргон”**, **“Шодлик”**, **“Алпомиш”**, **“Наврўз”**,

“Мажнунтол”, Денов туманининг “Баҳористон”, “Бобур”, “Сунбула”, “Тотувлик”, Шўрчи туманининг “Элбаён”, “Наврўз”, Бойсун туманининг “Пасурхи”, Ангор туманининг “Наврўз” МФЙларидаги “Хуқуқ тартибот маскани” фаолияти йўлга қўйилсин, мавжуд камчиликлар 10 (ўн) кун муддатда шаҳар ва туманлар ҳокимлари томонидан бартараф этилсин.

Бу борада амалга оширилган ишлар тўғрисида 10 (ўн) кун муддатда халқ депутатлари вилоят Кенгашига ёзма ахборот киритилсин.

9. Амалга оширилаётган ижобий амалиёт, “**маҳаллабай**” ва “**фуқаробай**” ишлаш тизими, содир этилган жиноятларнинг фош этилиши ва профилактик чора-тадбирлар асосида умумий ахборот тайёрланиб, оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб борилсин.

10. Вилоят прокурори С.Турдиев, вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлиғи А.Исмоиловларга:

жиноятларнинг айрим турлари ошган ҳудудлардаги криминоген вазиятни танқидий таҳлил қилиб, уларнинг ортиш сабабларини аниқлаш ва бартараф қилишга қаратилган қатъий чоралар кўриш;

Жиноятчиликни жиловлаш **ижтимоий-маиший муаммолари** мавжуд бўлган шахслар билан “**маҳаллабай**” ва “**фуқаробай**” услубида ишларни ташкил этиш;

муқаддам судланганлар, узоқ муддат давомида чет элда бўлиб қайтган шахслар, шартли озод этилганлар, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтаётган шахсларни иш билан таъминлаш чораларини кўриб бориш;

қидирув ишларини жадаллаштириш, бунда асосий эътиборни диний экстремистик оқим аъзоларига нисбатан қидирув ишларини ташкиллаштиришда жойлардаги диний экстремизм ва терроризм йўналиши ҳамда унинг турли кўринишларига қарши курашиш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришга қаратилсин;

саноат, банк, молия-кредит тизимида, ўрта ва кичик бизнес ҳамда ижтимоий соҳаларда давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза этиш, назорат ва ижро этувчи органлар ходимлари томонидан содир этилаётган порахўрлик, товламачилик, ўзлаштириш, фирибгарлик ҳамда бошқа иқтисодий жиноятларни олдини олиш мақсадида раҳбар ходимлар жиддий огоҳлантириб бориш;

қўшни давлатлардан вилоят ҳудудига кириб келаётган ва транзит қилинаётган наркотик моддаларни аниқлаш мақсадида, чегара блок постлари, мунтазам ЙПХ масканларига бириктирилган мутасадди раҳбарлар ва ходимларнинг масъулиятини ошириш;

одам савдоси билан жабрланган фуқароларнинг мурожаатлар бўйича тўлиқ ва холисона текширувлар ўтказилишини алоҳида назоратга олиш;

ҳар ойда жиноятчиликка қарши курашиш, уларни фош этиш, қидирувдагиларни

ушлаш, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишининг олдини олиш ва бошқа оғир турдаги жиноятларни фош этиш борасида прокуратура ва ички ишлар органлари ходимларининг фаолиятига индивидуал баҳо бериб бориш вазифалари юклатилсин.

11. Сурхондарё вилоят суди (А.Рўзикулов)га:

фуқароларнинг ортиқча сарсонгарчиликларини олдини олиш мақсадида профилактика инспекторлари томонидан расмийлаштирилган ҳужжатлар юзасидан маъмурий ишлар бўйича суд мажлислари **ҳар кун** “масофавий” (онлайн) шаклда ўтказилиши таъминлаш.

вилоятда маъмурий ҳуқуқбузарликлар ошиб келаётгани инobatга олиниб, жамоатчилик иштирокида сайёр суд мажлисларини мунтазам ташкиллаштириш тавсия этилсин.

12. Вилоят сектор раҳбарлари (Т.Боболов, С.Турдиев, А.Исмоилов ва С.Эшматов):

вилоят ҳудудида содир этилаётган ҳар бир жиноятни жиноят содир этилган маҳаллаларда жамоатчилик вакиллари, фуқаролар ҳамда жиноят содир этган шахслар иштирокида сектор раҳбарлари, ёшлар ишлари агентлиги, бандлик, тегишли идора ва ташкилотлар иштирокида ҳамкорлигида муҳокама этиб бориш;

жиноят содир этган шахсларнинг оилавий шарт-шароитлари, муаммолари, жиноят содир этиш сабаблари “**маҳаллабай**” ва “**фуқаробай**” услубида чуқур таҳлил қилиб, олдини олиш бўйича таклифлар киритиш топширилсин.

13. Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи К.Абдувоҳидовга:

Президентимизнинг 2021 йил 12 февраль кундаги 8-сонли йиғилиш баёнининг 34-банди асосида Термиз тумани, Ангор, Шеробод, Қизирик, Бандихон, Жарқўрғон ва Шўрчи туманларида алкоғолли мастлик ҳолатидаги шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш биноларининг қурилиш ва жиҳозлаш ишлари якунига етказилсин;

шунингдек, Термиз, Ангор, Музработ, Шеробод, Бойсун, Жарқўрғон, Шўрчи, Денов, Сариосиё, Қизирик, Қумқўрғон, Олтинсой, Узун ва Бандихон туманларининг тиббиёт пунктларига штат бирликларини ажратиш чоралари кўрилсин;

навбатдаги Сессияда бу борада амалга оширилган ишлар бўйича ҳисобот эшитилиши белгилансин.

14. “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси Сурхондарё филиали директори Ш.Норқўчқоров мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда шаҳар ва туманлар маҳаллаларида хизмат олиб борувчи профилактика инспекторларининг хизмат хоналарини Интернет тармоғига боғлаш чоралари кўрилсин.

15. Шаҳар ва туманлар ҳокимлари жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш борасида бевосида хизмат кўрсатаётган профилактика инспекторларига етишмаётган **жами 106 та** Олтинсойда 14 та, Жарқўрғонда 11 та, Деновда 10 та, Термиз шаҳри, Музработ, Қумқўрғон, Бойсун туманларида 9 тадан, Узунда 8 та, Сариосиёда 6 та,

Шўрчида 5 та, Ангор ва Шерободда 4 тадан, Бандихон ва Қизирикда 3 тадан, Термизда 1 та хизмат хоналарини куриш ёки ажратиш чоралари кўрсин.

16. Юқорида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ҳар чорак якунида тегишли мансабдор шахслар томонидан халқ депутатлари вилоят Кенгашига ёзма ахборот киритиб борилсин.

17. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси А.Эшмуратов зиммасига юклатилсин.

18. Ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб кучга киради.

**Кенгаш раиси**



**Bobolov T.A.**